

## Кичик бизнесга — катта имкониятлар

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга янада кенг ҳуқуқ ва эркинликлар бериш мақсадида соҳага оид норматив-ҳуқуқий база доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу Фармонга кўра, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш учун 17 та янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда амалдаги 20 та қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Кейинги даврда ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилди. Натижада, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектлари учун қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 15 апрелда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шу йил 1 июндан эътиборан, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш характериға эға бўлган, яъни лицензия, гувоҳнома каби ҳужжатларнинг 22 тури бекор қилинди.

Умуман олганда, илгари тадбиркорлар турли йўналишлар бўйича рухсат этиш хусусиятиға эға бўлган қарийб 400 та ҳужжат олишлари зарур эди. Эндиликда бундай ҳужжатларнинг сони 2 баробарға қисқарди.

Шунингдек, тадбиркорлар ўз маблағларини банкдан талаб қилганда, маблағни бериш асоссиз рад этилса ёки унинг маблағлари хайрия ёки бошқа тадбирларға мажбурий равишда жалб этилса, бундай ҳаракатлар учун тижорат банкларининг мансабдор шахслари жиноий жавобгарликка тортилади.

Яна бир имтиёз солиқ соҳаси билан боғлиқдир. Яъни, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган, барқарор ўсиш суръатларини таъминловчи кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти устидан 2017 йил 1 январгача бўлган муддатға солиқ текшируви ўтказилмайди. Шу имтиёз туфайли фақат жорий йилнинг ўзида интизомли солиқ тў-

ловчи ҳисобланган 100 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти текширишлар режасидан чиқарилди.

Қолаверса, кичик тадбиркорлик субъектлари ўз ҳисобларидан давлат бюджетига солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганда, банклар томонидан хизмат учун тўлов ундириш амалиёти ҳам бекор қилинди.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, ўрнатилган янгича тартибга кўра, тадбиркор фаолиятини бир қадар мураккаблаштириши, унга муайян янги юридик мажбурият юклаши мумкин бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар расман чоп этилгач, уч ойдан кейин кучга киритилиши белгиланди.

Бу каби кўплаб имтиёз ва қулайликлар жойларда тадбиркорларнинг фаолиятига нисбатан қай даражада қўлланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан, адлия идоралари тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятида мазкур масалага ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Авваламбор, тадбиркорликка оид қонунчиликка риоя этилиши устидан доимий назорат амалга оширилаётганини қайд этиш жоиз. Чунки бунда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бевосита ҳимоя қилинади.

Шу билан бир қаторда, жойларда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти мунтазам ўрганилиб, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятига янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, йил бошидан буён қирққа яқин қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Ушбу таклифлар асосида бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганини ҳам қайд этиш лозим. Масалан, тадбиркорларга бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўловлари миқдори камайтирилди.

Мухтасар айтганда, бундай изчил ва қатъий саъй-ҳаракатлар туфайли, бир томондан, юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига янада кенг йўл очилаётган бўлса, иккинчи томондан, мамлакатимиздаги ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтинги сезиларли даражада ошиши таъминланмоқда. Шу тариқа кичик бизнес иктисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора муҳим ўрин тутмоқда.

**Сирожиддин МУҲИДДИНОВ,**

Адлия вазирлигининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш  
бошқармаси етакчи маслаҳатчиси